
УММОН СУЛТОНЛИГИНИНГ “АТЫАВ FOODTECH” LLC КОМПАНИЯСИ МЕНЕДЖЕРИ МОХСИНУДДИН САЙД ФАРФОНА ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БҮЮРДИ

Ташриф давомида вилоятнинг йирик экспортёrlари билан учрашиш, ҳамда амалга ошириладиган лойиҳа учун ажратилиши белгиланган бино-иншоотларини кўздан кечириш режалаштирилган.

Дастлаб, Олтиариқ туманидаги “Far Meva Oltiariq” МЧЖ корхонасига ташриф буюрилди. Мутахассислар режалаштирилаётган лаборатория ҳамда халқаро сертификатлаш маркази бўйича маълумотлар беришди. Тадбиркор томонидан келажакда Европа бозорларига кириш истаги борлиги ва халқаро сертификатларга эҳтиёж борлиги таъкидланди.

Учкўприк туманидаги “Мехригиё” МЧЖнинг цитрус мевалар ва ўсимликлардан шифобахш экстрактлар олиш лойиҳаси билан танишилди. Мазкур корхона вакили ҳам ҳозирда БАА импортёrlари билан 15 йилга савдо келишуви имзолагани ва ISO сертификати олишда қийинчиликларга дуч келаётганини таъкидлади.

Қўштепа туманидаги “Шукр Давлат” фермер хўжалиги сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасига борилганда 1000 дан ортиқ қорамол парваришланаётган фермер хўжалиги раҳбари хорижлик мутахассисдан сут маҳсулотлари турини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича консультация олиш истагини билдириди.

Фарфона шаҳридаги Корея капитали иштирокидаги “Узсеганг” МЧЖ қўшма корхонаси бошқарувчиси томонидан Европа давлатига мевалар етказиб бериш бўйича шартнома имзолангани ва ҳозирда “Global Gap” халқаро сертификати олишда қийинчиликлар юзага келганини билдириди. Хорижлик мутахассис бу борада дастлабки маслаҳатларни берди ва томонлар ҳамкорликни бошлашга келишиб олдилар.

Кунинг якунида Фарфона шаҳридаги “Тадбиркорлар уйида” Фарфона вилояти хокими ўринbosари М.Абдураҳмонов билан учрашув ўтказилди.

Хоким ўринbosари томонидан “Atyab Foodtech” LLC компанияси менеджери Моҳсинуддин Сайдга лойиҳани амалга оширишда ҳокимлик томонидан барча зарурий ёрдам кўрсатилиши билдирилди.

2020-11-12 17:51:07